



**УЙ-ЖОЙДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЎҒРИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ  
ФАОЛИЯТИНИНГ ТАРИХИЙ ШАКЛЛАНИШИ: ТАҲЛИЛ ВА  
МУЛОҲАЗАЛАР.**

**Аннотация:** мақолада уй-жойдан содир этиладиган ўғриликка қарши кураш фаолиятининг тарихий шаклланишини вақт мезонига кўра ўрганилиб, илмий асослантирилган хуносалар илгари сурилган.

**Таянч сўзлар:** уй-жойдан ўғрилик, қарши кураш, ретроспектив таҳлил.

**ИСТОРИЧЕСКАЯ СХЕМА ДЕЙСТВИЙ ПО БОРЬБЕ С КРАЖАМИ,  
СОВЕРШАЕМЫМИ ИЗ ЖИЛЫХ ПОМЕЩЕНИЙ: АНАЛИЗ И  
РАССУЖДЕНИЯ.**

**Аннотация:** в статье рассмотрено историческое становление деятельности по борьбе с кражами из жилья по временному критерию и выдвинуты научно обоснованные выводы.

**Ключевые слова:** кража из жилья, борьба с ней, ретроспективный анализ.

**HISTORICAL SCHEME OF ACTIONS TO COMBAT THEFTS  
COMMITTED FROM RESIDENTIAL PREMISES: ANALYSIS AND  
REASONING.**

**Abstract:** the article examines the historical formation of activities to combat thefts from housing by a temporary criterion and puts forward scientifically based conclusions.

**Keywords:** theft from housing, combating it, retrospective analysis.

---

\* **Ўринов Одилбек Лазиз ўғли**, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси тезкор-қидириув фаолияти кафедраси ўқитувчиси.



Мулкка қарши жиноятларнинг энг қадимийларидан бири ҳисобланмиш ўғрилик жинояти ва унга қарши кураш фаолияти тўғрисида тарихий ва классик манбаларда бир қатор қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдирилган.

Жумладан, қадимги Авесто китобида ёзилган маълумотларда уй-жойдан содир этилган ўғриликни олдини олиш ва фош этишда тунги қоровуллар асосий вазифани бажариб, ушбу жиноятни содир этган шахсларга жиддий жазо чоралари қўлланилганлиги баён этилган бўлса, қадимги Рим империясининг қонунларида уй-жойдан содир этилган ўғриликни олдини олиш, фош этишда соқчи, қоровулларга маҳсус қуролдан фойдаланишга рухсат берилган бўлиб, ўғрилик устида қўлган тушган шахсга унинг мавқеидан келиб чиқкан ҳолда турли жазо чораси, ҳатто энг олий жазо қўлланиши ҳақида қайд этилганлиги уй-жойдан содир этилган ўғриликка қарши инсоният томонидан қадим замонлардан буён курашиб келинаётганлигидан далолат беради[4; 121-б.].

Инсоннинг шахсий мол-мулкига қаратилган ижтимоий хавфли қилмиш турли замон ва маконда, ҳар қандай ҳуқуқ тизимида жиноят деб ҳисобланган. Уй-жойдан содир этилган ўғриликни олдини олиш ҳамда фош этишнинг тарихий шаклланишини вақт (давр) мезонига кўра ретроспектив жиҳатдан шартли равишда тўрт босқичга бўлиб ўрганамиз.

Булар: биринчи босқич – эрамиздан аввалги V асрдан VII асрларгача бўлган давр; иккинчи босқич – VIII асрдан XIX асрнинг биринчи ярмигача бўлган давр; учинчи босқич – XIX асрнинг ўрталаридан XX асрнинг 90-йилларига бўлган давр; тўртинчи босқич – Ўзбекистоннинг мустақиллик даври ҳисобланади. Ушбу даврларда уй-жойдан содир этилган ўғриликни олдини олиш, фош этишда қандай чора-тадбирлар кўрилганлигини таҳлил қилиб кўрамиз.

**Биринчи босқич (эрамиздан аввалги V асрдан VII асрларга бўлган давр).**

Қадимги даврда уй-жойдан содир этилган ўғриликнинг предметини асосан уй-рўзгор, хўжалик буюмлари, кийим-кечак, қимматбаҳо тақинчоқлар ташкил этган.



Сабаби, уй-жойдан ўғриланган ашё, буюмларга эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасаррүф қилиш ўғри шахс учун анча қулай бўлган.

Уй-жойдан содир этиладиган ўғрилик қадимда асосан задогон ва бой хонадонларда кўпроқ содир этилиб, ўғри, гоҳ уй қоровули билан келишиб, гоҳида уни чалғитиб ўз мақсадига эришган.

Қишлоқларда яшовчи фуқаролар уй-жойларида бундай жиноят деярли содир этилмаган. Бой хонадонлардан ўғриланган ашё, буюмлар, арzon гаровга кишлоқ аҳолисига ўтказилган. Қишлоқларда содир этилган хонадон ўғрилигининг предметини ўғри, ўзи истеъмоли учун ишлатган холос[1].

Шу боисдан, шаҳар, қишлоқ марказларида жойлашган уй-жойлардан ўғрилик кўпроқ содир этилган деган хulosага келиш мумкин.

Илк ўрта асрларда Европа тезкор-қидирав фаолиятининг таназзули билан ҳам ажralиб турган. Жумладан, V-VI асрларда франклар жамияти феодаллашиши, жамоат ерлари талон-торож қилиниши, жамиятнинг ўзи ва уруғчилик алоқалари парчаланиши билан ўғрилик энг кўп тарқалган хавфли жиноятга айланди. Шу сабабли франклар қироли Лотарь ўғриларга қарши курашиш учун махсус полиция отрядлари тузди. Полиция отрядлари ўғриликларга қарши курашища маҳаллий фуқароларнинг имкониятидан ўғриларни аниқлашда, қидириб топишда самарали фойдаланишган[3; 15-б.].

Шунингдек, ушбу даврда уй-жойдан содир этилган ўғриликни олдини олишда аҳоли уйини қаровсиз қолдирмаслик (*масалан, қўриқчи итлардан фойдаланган ёки уйида одам бўлган ва бошқ.*), ўз мулкини эҳтиёт қилиш чорасини кўрган. Жабрланувчи ўғрилатган мулкининг масалан, қимматбаҳо тақинчоқларини алоҳида ўзига хос белгисини таний олиши лозим бўлган. Сотиб олган шахснинг ушбу буюмни келтириб берган шахсга нисбатан берган кўрсатмаси асосида жиноят фош этилиб, айбдор шахсга ўша даврдаги оқсоқоллар кенгашининг қарори билан тегишли жазо чоралари қўлланилган.



**Иккинчи босқич (VIII асрдан XIX асрнинг биринчи ярмигача бўлган давр).**

Муқаддас Ислом динимизда бировнинг мулкига қаратилган жиноятлар оғир жиноятлар сирасига киритилиб, жамиятда бундай хуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида маълум даражадаги жазо шариат қонунларида белгилаб қўйилган.

Жумладан, Қуръони каримнинг Моида сурасида “Ўғри эркак ва ўғри аёлнинг қилмишларига яраша жазо ва Аллоҳдан (берилган) азоб сифатида қўлларини кесингиз! Аллоҳ қудрат ва ҳикмат эгасидир”[5; 114-б.] деб қайд этилади. Ўша даврда ўғрилик учун кескин жазо чораси қўлланилиши, ушбу жиноятнинг самарали олдини олишга хизмат қилган.

Чингизхон даврида ўғрилик ва бошқа иллатларни йўқотиш, тартиб - интизом ўрнатиш учун 1206 йилда “Ёсо қонунлари тўплами” жорий этилди. Унда ёзилишича, мулкка қарши жиноятлардан бири бўлган уй-жойдани содир этилган ўғриликларни олдини олишда юзбоши, ясовул, соқчи каби лавозимларида хизмат қилган шахслар шуғулланган. Ўша даврда мўғуллар тезкор-қидирув фаолиятининг ноошкора усули асосида савдогар, дарвиш, аскарларни махфий ҳамкорлика жалб этиб, ўғрилик содир этган шахсларни аниқлашда фойдаланилган ҳамда айбдор шахсларга шариат қоидалари асосида содир этган ўғриликнинг микдори ва хусусиятидан келиб чиқкан ҳолда қозилар томонидан тегишли жазо тури қўлланилган[7; 150–151-б.].

Амир Темур даврида давлатда содир этилган ўғриликларни ким содир этганлиги асосан мунший, яъни хабарнавис вазифасини бажарувчи қаландар, савдогар, фолбин, дарвишлик билан шуғулланувчи шахслар томонидан аниқланиб, ушбу жиноятларни содир этган шахсларга энг оғир жазолар қозилар томонидан қўлланилган.

Темур “Тузуклари”да ўғрилик жинояти ҳақида қўйидаги: “Ўғрилик ва талончиликни барча йўлларини бекитишнинг чораларини кўрдим. Ўғрилар хусусида буюрдимки, улар қаерда бўлмасин, тутиб олинса, Ёсо бўйича жазолансин” каби қоидаларнинг белгилангани, ўғриликка қарши чора-тадбирларни ижро этиш ва риоя қилиниши устидан қаттиқ назоратнинг бўлиши, шубҳасиз, қонунчиликни мустаҳкамлашга хизмат қилган. Тузуклардан кўринадики, Амир Темур очиқлик,



раҳм-шафқат билан халқни ўзига ром қилиб, адолат ўрнатилишига ҳаракат қилиб, иложи борича жабр-зулмдан узокроқда бўлишга интилган. Айниқса, фуқаролар томонидан уй-жойдан содир этилган ўғрилик ҳолатларида одиллик билан иш тутганлигини кўриш мумкин. Ушбу даврда уй-жойдан содир этилган ўғриликни мунтазам равишда олдини олиш бўйича соқчи, аскарлар, шунингдек, фуқаролар томонидан қўриқчи итлардан фойдаланиш орқали самарали чора-тадбирлар амалга ошириб келинган[9; 106-б.].

Бухоро, Хива, Кўқон хонликлари (XVI – XIX асрлар) даврида мулкка тажовуз қилиш, шу жумладан, уй-жойдан содир этиладиган ўғрилик оғир жиноят турларидан бири бўлиб, ушбу жиноятнинг олдини олиш соқчи, қоровул ҳамда маҳаллий аҳоли томонидан амалга оширилган. Ушбу хонликларда миршаблар, посбонбошининг маҳфий алоқасида бўлган шахсларни берган тезкор маълумотга кўра, уй-жойдан ўғрилик содир этган шахслар аниқланиб, уларнинг ушбу фаолияти пул ва бошқа мол билан тақдирланган. Миршаблар томонидан уй-жойдан ўғрилик юзасидан суриштирув ўтказилиб, айборларнинг қилмиши фош этилган. Уй-жойдан ўғрилик содир этган шахс ҳаттоки, жабрланувчининг қариндош бўлса ҳам афв этиши мумкин бўлмай, жиноят ишлари қозилик судлари томонидан кўриб чиқилиб, айборгага тегишли жазо қўлланилиши ҳақида хукмлар чиқарилган[12; 205 – 219-б.].

**Учинчи босқич** (*XIX асрнинг ўрталаридан XX асрнинг 90-йилларига бўлган давр*). Чор Россия мустамлакачилиги (1847–1917 йиллар) даврида уй-жойдан содир этилган ўғриликни олдини олиш ва фош этишда маҳсус қидирув полицияси ташкил этилган[3; 27-б.].

1903-1904 йилларда қабул қилинган “Халқ судяларининг Фавқулодда Конгресси қарорлари тўплами”да “Оддий ўғрилик” [15] жинояти бўйича суд қарорлари тўплами мавжуд бўлган. Шунингдек, 1903 йилдаги Жиноят кодексида уй-жойдан ўғрилик ва талончилик қилмишлари tengлаштирилиб, ушбу икки қилмиш қонун тилида “Ўғрилик” атамаси билан номланган [10; 64-б.].



Полиция департаментининг махфий йўриқномаси асосида махфий ҳамкорликка жалб этилган фуқаролардан олинган ишончли маълумотлар асосида мулкий турдаги жиноятлар аниқланиб (*1904 йилда бирорнинг мулкини талон-торож қилиши 206 ta; 1906 йилда эса ушбу жиноятлар 251 тани ташкил этган*) айбдор шахсларга нисбатан ваколатли суд томонидан тегишли жазо чоралари тайинланган[13].

Совет ҳукмронлиги (1917 – 1990 йиллар) даврида уй-жойдан содир этилган ўғрилик кенг тарқалган жиноят туридан бири бўлиб, ушбу қилмиш учун анча жиддий чоралар кўрилган. Жумладан, 1920 йил 2 декабрда Қозоғистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг “Мулкий жиноятларга қарши кураш тўғрисида”ги декрет қабул қилинди. Ушбу декрет совет республикасининг биринчи жиноят қонуни хисобланиб, уй-жойдан ўғрилик содир этган шахсга жазо чораси сифатида айбдорнинг шахсий мол-мулки мусодара қилинган[14].

Уй-жойдан содир этилган ўғриликларига қарши қурашишнинг ҳуқуқий асоси сифатида 1921 йил 10 ноябрдаги Қозоғистон Марказий ижроия қўмитасининг “Ўғриликларга қарши курашиш тўғрисида”ги декретида уй-жойдан содир этилган халқнинг хўжалигига таҳдид сифатида белгиланиб, милиция тезкор аппаратининг ходимларидан олинган ишончли маълумотлар асосида хонадон ўғрилари аниқланиб, фош этилган. Ўша даврда рецидивистлар томонидан мулкни ўғрилаш, айрим ҳолларда босқинчилик йўли билан куч ишлатиб олиб қочганлик учун энг юқори ва қаттиқ жазо чоралари қўлланилган[3; 35 – 38-б.].

Уй-жойдан содир ўғрилик предмети (нарса, буюм, ашё)ни яширадиган, сотишга ёрдам берган шахсларга ҳам энг юқори жазо чоралари кўрилиши мумкин бўлган. Худди шу декретга кўра, кўп ва жуда кўп миқдорда уй-жойдан содир этилган ўғриликлар жиноят ишлари халқ судлари томонидан вилоят ҳарбий трибунал бўлинмаларида ўтказилган.

1921 йил 19 ноябрь куни Қозоғистон Автоном Совет Социалистик Республикасининг Адлия халқ комиссарлигининг навбатдан ташқари йиғилишида



уй-жойдан содир этилган ўғриликка қарши курашиш масаласи кўрилиб, мазкур жиноятни содир этган шахсларга нисбатан кескин чора сифатида қамоққа олиш эҳтиёт чораларини қўллаш ҳақида қарор қабул қилинган.

1922 йил 1 июнда РСФСР Жиноят кодексининг 180-моддаси 1-қисми «а» бандида уй-жойдан содир этилган ўғрилик оддий ўғрилик сифатида баҳоланган.

Ўзбекистон ССРнинг биринчи Жиноят кодекси 1926 йил 16 июнда қабул қилинди. Мазкур кодекснинг “Мулкий жиноятлар” деб номланувчи 7-боби 162-моддасида уй-жойдан содир этилган ўғрилик учун жазо белгиланиб, мустақил жиноят сифатида назарда тутилди, фуқароларнинг хонадони, умумий ётоқхоналар, дала ҳовли ва бошқа турар жойлар мазкур жиноятнинг обьекти сифатида баҳоланди[11].

Кейинчалик, 1960 йилдаги Жиноя кодексини 144-модасида уй-жойдан содир этилган ўғрилик жинояти учун жавобгарлик белгиланиб, бир гуруҳ шахслар, уюшган гурух, ўта хавфли рецидивист шахс томонидан уй-жойдан содир этилган ўғрилик учун жавобгарлик масаласи белгиланди[6].

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу даврда уй-жойдан содир этиладиган ўғриликларни олдини олишда асосан аҳолининг хушёргилигини ошириш борасида ҳукуқ-тартибот ходимлари томонидан тарғибот ва ташвиқот ишлари ўтказилган. Доимий равишда калит танлаш усули билан ўғрилик содир этган шахслар ва калит ясовчи устахона эгалари, кўнгилли фуқаролар билан махфий ҳамкорлик қилиниб, ушбу жиноятларни “иссиқ изи”дан фош этиш чоралари кўрилган. РСФСР Жиноят кодекс (1922, 1926, 1960 йил)ларида уй-жойларда содир этилган ўғрилик учун жавобгарлик икки гуруҳга, хусусий уй-жойлар ва корхона, муассаса ва ташкилотларнинг омборхоналари мулкни ўғрилашга ажратилган бўлиб, ташкилот мулкини ўғрилаш учун анча жиддий жазо чоралари қўлланилган[8].

Уй-жойдан содир этилган ўғрилик МДҲ давлатлари ҳудудида ҳар доим долзарб муаммолардан ҳисобланган. Жумладан, Қозогистон, Қирғизистон, Россия



вилоятларининг марказ ҳудудларида вазият жудаям оғир бўлиб, уй-жойдан содир этилган ўғриликка қарши курашишда давлат органлари томонидан тегишли ҳуқуқий таъсир чоралари ишлаб чиқилиб, уй-жойдан содир этиладиган ўғриликни олдини олиш ва фош этишга жиддий эътибор беришган[10; 67-б.].

**Тўртинчи босқич** (*Ўзбекистоннинг мустақиллик даври*). Мустақиллик даврида Ўзбекистонда ички ишлар идораларининг фаолияти мавзусида илмий изланишлар олиб борган олим Қ.Б.Қодировнинг “Ўзбекистонда жиноятчиликка қарши кураш жараёни икки босқични босиб ўтди. Биринчи босқич – 1991 йилдан 2000 йилгача давом этди. Бу энг мураккаб давр бўлиб, айниқса истиқлолнинг ilk йиллари ҳуқуқбузарликлар энг юқори нуқтага етган вақт ҳисобланади. Иккинчи давр – 2001 йилдан 2011 йилгача давом этган. Бу даврнинг хусусияти, авваламбор, мамлакатда олиб борилаётган суд-хукуқ тизимини эркинлаштириш, жиноий жазоларни либераллаштириш руҳияти билан изоҳланади. Ички ишлар ходимлари “Қопқон”, “Тўр”, “Тун”, “Ўсмир”, “Комплекс” каби тадбирлар натижасида уюшган жиноий груп аъзолари, жиноят содир этишга мойил шахслар, дайдилар ва бошқалар рўйхатга олинган”лиги[2; 16-б.] ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, уй-жойдан содир этиладиган ўғриликка қарши курашишда ички ишлар ходимлари томонидан маҳсус чора-тадбирлар кўрилганлигидан далолат беради.

Юқорида таъкидлаб ўтилган фикр-мулоҳазарларга асосланиб, уй-жойдан содир этилган ўғриликка қарши курашиш ўзининг узоқ тарихига эга дейиш мумкин.

Уй-жойдан содир этиладиган ўғриликка қарши курашнинг тарихий шаклланишини ретроспектив таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, мазкур жиноятга самарали қарши курашишда кўрилган маҳсус чора-тадбирлар ўзининг ижобий самарасини бериб, уй-жойдан содир этилган ўғриликни камайишига, содир этилганларини фош этилишига хизмат қилган деб айтишимиз мумкин.

Уй-жойдан содир этиладиган ўғриликка қарши курашишнинг тарихий усулларини ўрганиш, таҳлил қилиш орқали илмий асосланган қуйидаги:



биринчидан, уй-жойда содир этиладиган ўғриликка қарши курашишда ҳар бир фуқаро яшаш хонадони ва қўшимча хўжалик хонасининг хавфсизлик чорасини кўриши, масалан мустаҳкам ҳимоя воситаларини ўрнатиш, қўриқчи итлардан фойдаланиш, мазкур жиноятнинг сезиларли даражада олди олиниши ва фош этилишига имконият яратиши; иккинчидан, уй-жойдан содир этиладиган ўғриликка қарши курашишда ҳуқуқий жавобгарлик масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилиши; учичнидан, “Уй-жойдан содир этилган ўғриликка қарши курашиш” маҳсус чора-тадбирларни самарали амалга ошириш лозимлиги ҳақида хulosаларни илгари суриш мумкин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, уй-жойдан содир этиладиган ўғриликка қарши курашишнинг мазмун-моҳиятини билиш, ушбу қилмишга самарали қарши курашишга ёрдам беради.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. <http://www.refbd.ru/viewreferat-1592-8.htm> (мурожаат вақти: 18.12.2022).
2. Қодиров Қ.Б. Мустақиллик даврида Ўзбекистонда Ички ишлар идораларининг фаолияти: Тарих фан. бўйича фал. д-ри (PhD) дис. Автореф. – Т., 2019. – Б.16.
3. Саитбаев Т.Р. Ички ишлар органлари тезкор-қидирув фаолиятининг шаклланиши ва ривожланиши: Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2020. – Б.15, 27, 37-38.
4. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. – Т.: «Шарқ», 2001. – Б.121.
5. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф Тафсири ҳилол 7-жуз. Куръони карим маънолар таржимаси. Моида сурасининг – 8-ояти. – Т.:«Шарқ»,2008. – Б.114.
6. Уголовный кодекс РСФСР (утв. ВС РСФСР 27.10.1960) (ред. от 30.07.1996)// [http://www.consultant.ru/document/cons\\_doc\\_LAW\\_2950/](http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_2950/)(мурожаат вақти: 27.12.2022).
7. Тошқулов Ж., Авазов Н. Ўзбекистон Республикасида давлат ва ҳуқуқ тарихи. Ўрта асрлар: Ўқув қўлланма. – Т.: МХХ институти, 2006. – Б.150-151.
8. [https://ru.wikipedia.org/wiki/История\\_уголовного\\_права\\_России](https://ru.wikipedia.org/wiki/История_уголовного_права_России). (мурожаат вақти: 19.12.2022).
9. Темур тузуклари / Тахрир ҳайъати: Б.Абдухалимов ва бошқ., Форсча матндаги А.Суғоний ва Ҳ.Кароматов тарж. – Т.: «O'zbekiston», 2012. – Б.106.



**10.** Бышевский Ю. В. Ответственность за кражу по уголовным кодексам советского периода // Научный вестник Омской академии МВД России № 4(55), 2014. С. 67. <https://cyberleninka.ru/article/n/otvetstvennost-za-krazhu-po-ugolovnym-kodeksam-sovetskogo-perioda>. (мурожаат вақти: 16.12.2022).

**11.** Уголовный кодекс РСФСР редакции 1926 года (с изм. и доп., внесенными Постановлениями ЦИК СССР от 19.02.1926 – СЗ, 1926, № 9, ст. 71; от 05.03.1926 – СЗ, 1926, № 15, ст. 106) // Электрон манба: <https://ru.wikisource.org/wiki>. (мурожаат вақти: 17.12.2022).

**12.** Муқимов Зиёдулло Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи: Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. – Т.: Адолат, 2003. – Б. 205-219.

**13.** Абдурахимова Н.А., Эргашев Ф.Р. Туркистанда Чор мустамлака тизими: Рисола. – Т., 2002.– Б.133-137.; <https://www.urgfiltma.uz/uz>. (мурожаат вақти: 30.11.2022).

**14.** <https://www.centrasia.ru/news/2.php?st=1053727020>. (мурожаат вақти: 18.12.2022).

**15.** Атанова С.А. Из туркменского адата. Неопубликованная рукопись Г.И. Карпова// Восточный архив № 2 (42), 2020 .

